# Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

## ЭРТАМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

***Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижроси ҳамда 2016 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган анжуман ўтказилди. Унда дастур ижросига мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Ваҳобов, маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом, фикри тиниқ, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

2015 йилда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши келажагимиз давомчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш, ёшлар масаласида ижтимоий шерикликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Дастур ижроси доирасида вазирлик ва идоралар, ҳудудий ҳокимликлар ҳамкорлигида 72 мингдан зиёд лойиҳа ва тадбир ўтказилган.

Йигит-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилган тадбирларда уч миллиондан ортиқ ёш иштирок этди. Жумладан, умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида "Ҳуқуқ билимдонлари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?", олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилган "Тафаккур синовлари" кўрик-танловлари, "Талабалар баҳори" фестивали, "Парламентаризм билимдони" он-лайн танлови, Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлаб уюштирилган "Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги" ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий билим ва маданиятини янада бойитишга хизмат қилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги ёшлар фестивали миллий ўзликни англаш, истиқлол ғояси ва бебаҳо қадриятларимизни тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган лойиҳалар давомида 43 минг йигит-қизга ишга жойлашиш учун йўлланма, 416 ёшга имтиёзли кредит олиш учун тавсияномалар берилди. Тадбиркорлик қилиш истагини билдирган коллеж битирувчиларининг 6,4 минг нафарига 53,8 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бош қомусимиз қабул қилинган кун муносабати билан турли соҳаларда юқори натижаларга эришаётган бир гуруҳ ёшлар "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларда 4,7 миллиондан ортиқ ўғил-қиз иштирок этди.

Дастурга мувофиқ, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди. Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган болалар тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилди. "Одам савдоси – давр муаммоси" тарғибот лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирларга 1,9 миллиондан ортиқ ёшлар қамраб олинди. Натижада вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятлар сони 2014 йилга нисбатан 8,8 фоиз камайди.

Баркамол авлод тарбиясида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилмоқда. Ёш журналистларнинг замонавий талаблар асосида билим ва тажрибасини оширишга қаратилган "Ёш журналистлар медиа-тренинги", "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" танлови, "MIT.uz" – миллий интернет танлови, ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган "Best Soft Challenge" каби тадбирлар ўтказилди.

Ёшлар ўртасида миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб қилиш бўйича йил давомида барча ҳудудларда ташкил этилган "Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда!" шиори остидаги тарғибот тадбирларида турли миллат вакиллари қатнашди.

Анжуманда 2016 йилда амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

---

### Танловлар

## ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОРЛАР АНИҚЛАНДИ

***Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлинмаси, Савдо-саноат палатаси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказиб келинаётган "Тадбиркор – йил аёли" танлови кичик бизнес соҳасига қадам қўйган, тадбиркорликда муваффақиятларга эришаётган аёлларни кашф қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.***



Бугунги кунда аёл нафақат уй бекаси, меҳрибон она, балки у моҳир тадбиркор, ишбилармон сифатида ҳам жамиятимиз равнақига, давлатимиз иқтисодиётига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшиб, турли жабҳаларда кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Куни кеча шаҳримиздаги 11-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган "Тадбиркор – йил аёли" танловининг Шайхонтоҳур туман босқичида етти нафар тадбиркор аёллар ўзаро беллашдилар. Иштирокчилар фаолиятига назар ташлар экансиз, бири дизайнер, бири ўқув маркази раҳбари, яна бири тикувчи сифатида ўз бизнесини ривожлантираётганининг гувоҳи бўласиз. Улар орасида тадбиркорликни энди йўлга қўя бошлаган коллеж ўқувчиларининг ҳам борлиги қувонарли, албатта.

— Ёшлигимдан расм чизишга, либослар дизайнини яратишга қизиққаним сабабли 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқиб, уни аъло баҳоларга битириб, шу йўналиш бўйича ўқишни давом эттиришга қарор қилдим, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири, ёш тадбиркор, Республика рассомлик коллежи ўқувчиси Гўзалхон Қутфуллаева. — Ўқишим давомида маҳоратим ошди, шаҳримизда ўтказиб келинаётган кўплаб танловларда иштирок этдим. Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқали Қозоқов билан биргаликда кўргазма ташкил этдик, "Эртанги кун бизники, марра бизники" ёшлар фестивалида "Халқ костюми" номинациясида ғолибликни қўлга киритдим. Мен ўйлайманки, Президентимиз томонидан биз ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, эътибор ва ғамхўрлик иқтидоримиз қирраларини очиб бермоқда. Мен ҳам келажакда буюк ва бетакрор юртимга нафим тегадиган тадбиркор бўлиб етишишга астойдил ҳаракат қиламан.

Иштирокчилар асосан тўртта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Биринчи шарт таништирув, иккинчи шартда аёлларнинг ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилди, учинчи шартда бекалик маҳорати ва кейинги шартда эркин мавзуда чиқиш қилдилар.

Ҳайъат аъзолари иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишини диққат билан кузатиб, баҳолаб борди. Беллашув якунларига кўра, танловда энг кўп балл тўплаган Ноиба Каримжонова биринчи ўринни қўлга киритди, иккинчи ўрин Тўхтахон Ходжаева, учинчи ўрин Муборак Дадаевага насиб этди.

Иштирокчиларга туман ҳокимлиги ва ҳомийларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**З.ШАРИФЖОНОВ**
**К.Ўлмасов олган сурат**

---

***"Истиқлол" санъат саройида "Камалак юлдузлари – 2015" республика болалар ижодиёти фестивали ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ва улар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.***

## "КАМАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ" ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга фестивалнинг якуний босқичида муваффақиятли иштирок этган ўғил-қизлар, ўқитувчи ва мураббийлар, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, миллатимизни янада соғломлаштириш, ўғил-қизларни ҳеч кимдан кам бўлмаган, қалби ғурур ва ифтихорга тўла инсонлар этиб вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш, уларнинг қобилият ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга доир чора-тадбирларни тизимли йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган турли ижодий лойиҳалар, санъат байрамлари, фестиваллар иқтидорли болалар сафининг тобора ортиши, уларнинг ўзига бўлган ишончи мустаҳкамланиши, болалар ижодиётига доир ишларни замон руҳи билан ҳамқадам йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Ёш авлоднинг эзгу интилишлари, орзу-истакларини ўзида акс эттирган ёрқин лойиҳалардан бири "Камалак юлдузлари" фестивалидир. Мазкур фестиваль мусиқа ва санъат, бадиий таълим, мактабдан ташқари таълимни янада ривожлантириш, ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг беғубор орзуларига қанот бағишлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Фестивалнинг барча босқичида 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 60 минг 400 нафардан ортиқ иқтидорли ўғил-қиз ўз маҳоратини намойиш этди. Улардан 111 нафари ғолибликни қўлга киритди. Саралаш босқичларида ўқувчиларнинг мумтоз ва миллий мусиқа чолғулари ижрочилиги, анъанавий ва академик хонандалик, хореография, тасвирий ва амалий санъат, наср ва назм йўналишидаги истеъдод ва маҳорати таниқли санъаткор ва мутахассислар томонидан баҳоланди.

Лойиҳа доирасида пойтахтимиздаги кўргазма залларида болалар расмлари кўргазмаси, моҳир рассом ва ҳайкалтарошлар, уста ҳунармандлар, мусиқашунослар, режиссёрлар, шоир ва ёзувчилар иштирокида маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

Ёш истеъдод соҳиблари учун Мустақиллик майдони, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи, маънавият ва маърифат масканларига саёҳатлар ташкил этилди.

– Ўзбекистон – истеъдодлар мамлакати, – дейди ЎзА мухбирига "Камалак юлдузлари – 2015" фестивали совриндори, Хоразм вилояти Хива туманидаги 32-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ҳикматилла Матёқубов. – Шундай юртда ўсиб-улғаяётганимдан, изланиш ва истеъдодимиз муносиб баҳоланаётганидан жуда хурсандман. Бундай ғамхўрликка жавобан аъло баҳоларга ўқишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Саҳнада тинч ва осуда кунларимизни, жонажон Ўзбекистонимизни, бахтиёр болаликни, ёш авлодга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътиборни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

**Назокат УСМОНОВА**

---

### ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ:

## БАРҚАРОР ВА ИШОНЧЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кенгайтирилган бошқарув мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни ижро этиш ва банк тизимининг ўтган йилдаги фаолияти якунлари, келгуси режалар муҳокама этилди.

Йиғилишда 2015 йилда мамлакатимиз банк тизимининг капиталлашув даражасини ошириш, унинг ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, барқарорлигини кучайтириш борасида кенг қамровли, тизимли чора-тадбирлар амалга оширилгани, соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банк тизимида эришилган кўрсаткичлар нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга мос келиши, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди.

Хусусан, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкларнинг умумий капитали 7,8 триллион сўмдан ошди. Банк активлари ўтган йилга нисбатан 25,1 фоиз ўсиб, бугунги кунда 65,2 триллион сўмга етди.

Миллий банк тизимида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболларига кетма-кет олтинчи йил "барқарор" рейтинг баҳосини берди. "Standard & Poor's" ва "Fitch Ratings" рейтинг агентликлари ҳам Ўзбекистон банк тизими фаолиятини "барқарор" деб эътироф этди.

Банклар томонидан 2015 йил учун устувор вазифа этиб белгиланган саноатда юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мажлисда 2016 йилда банк тизимида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш, шунингдек, банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тижорат банклари фаолиятини халқаро стандартлар ва принципларга мувофиқ баҳолаш, тартибга солиш ҳамда назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро молия институтлари билан ўрнатилган ҳамкорликни мустаҳкамлаб бориш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**"Туркистон-пресс"**

---

*Сергели тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекциясининг 2015 йил 15 декабрдаги 292-сонли хатига илова "Сергели туманида мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси"га асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Сергели туманида 2016 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Сергели туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (А.Ганиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Сергели туман тармоқ администратори (Р.Галиев):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.sergeli.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Кучкарев зиммасига юклансин.

**Сергели тумани ҳокими**
**Ф.Максудходжаев**

*2016 йил 11 январь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

